

ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ОБ УТВЕРЖДЕНИИ ПОЛОЖЕНИЯ О ПОРЯДКЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ
ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ УЧАСТКОВ НЕДР ДЛЯ ДОБЫЧИ ДРАГОЦЕННЫХ
МЕТАЛЛОВ

г. Ташкент,

16 марта 2019 г.,

№ 224

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг
ҚАРОРИ
**ҚИММАТБАҲО МЕТАЛЛАРНИ ОЛТИН ИЗЛОВЧИЛАР УСУЛИДА ҚАЗИБ
ОЛИШ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ ТҮҒРИСИДАГИ
НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари түғрисида» 2018 йил 26 ноябрдаги ПҚ-4030-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш тартиби түғрисидаги низом **иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан биргаликда қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш нормалари ва қоидаларига, шунингдек, табиатни муҳофаза қилишга оид қонун хужжатлари талабларига риоя қилиниши устидан белгиланган тартибда қатъий назорат ўрнатсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўzlари қабул қилган норматив-хуқуқий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиурсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси раиси Б.Ф. Исламов зиммасига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ёқилғи-энергетика соҳаси ва саноатнинг базавий тармокларини ривожлантириш масалалари котибиятига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 16 март,
224-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 марта 224-сон қарорига
ИЛОВА

**Қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга
ошириш тартиби түғрисидаги**

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом ер қаъри участкаларида юридик ва жисмоний шахслар томонидан қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

олтин изловчилар усулида қазиб олиш — ер қаъри участкалари, шу жумладан, сочма олтин конларидан тадбиркорлик таваккалчилиги асосида қимматбаҳо металларни носаноат усулда қазиб олиш;

сочма олтин кони — туб олтин кон ёки олтин маъданли тоғ жинси парчаланиши натижасида ҳосил бўлувчи ер юзасидаги ёки қўмилган тоғ жинси ва минераллари майда бўлакларининг тўпламлари;

«E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончаси (кейинги ўринларда савдо майдончаси деб аталади) — электрон онлайн-аукционларни (кейинги ўринларда аукцион деб аталади) ташкил этиш ва ўтказиш учун зарур бўлган ахборотни киритиш, саклаш ва қайта ишлаш, шунингдек, манфаатдор шахсларнинг аукционлар жараёнларидан оператор веб-портали орқали бевосита фойдаланиш имкониятини таъминлайдиган ахборот тизими;

электрон онлайн-аукцион — салоҳиятли харидорларга teng имконият яратган ҳолда мол-мулк ва хуқуқ Интернет тармоғидаги «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончасида сотиладиган аукцион шаклидаги электрон савдо усули;

оператор — савдо майдончасида аукционларни ташкил этадиган ва ўтказадиган «Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази» давлат унитар корхонаси;

аукцион иштирокчиси — электрон онлайн-аукционда иштирок этиш учун ариза берган ва унда иштирок этишга рухсат этилган юридик ва жисмоний шахслар;

лот — электрон онлайн-аукционда реализация қилинадиган, муайян ер қаъри участкасида қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуки;

«E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончасидаги техник узилиш — иштирокчилардан бирига электрон онлайн-аукционда иштирок этишга имкон бермайдиган ёки оператор ходимига электрон онлайн-аукцион ўтказилишига хизмат кўрсатишнинг техник имкониятини таъминламайдиган электрон савдо майдончасидаги техник носозликлар;

қимматбаҳо металларни сотиб оловчи ихтисослаштирилган қабул кассалари (кейинги ўринларда қабул кассалари деб аталади) — қимматбаҳо металларни қайта ишлаш ташкилоти ҳамда шартнома асосида юридик ва жисмоний шахслардан таркибида олтин бўлган хомашёни қабул қилувчи пункт;

бузилган ерларни рекультивация қилиш(қайта тиклаш) — ерларнинг табиий ландшафтини сақлаш мақсадида ер қаъридан фойдаланиш натижасида бузилган (ағдарилган, ковланган) ер участкаларини кейинчалик ундан фойдаланишга яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ комплекс ишларни бажариш.

3. Қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш учун берилаётган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуки учун лицензиялар Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси (кейинги ўринларда Давлат геология кўмитаси деб аталади) томонидан электрон онлайн-аукцион натижаларига асосан ушбу Низомнинг **1-иловасига** мувофиқ схема бўйича берилади.

2-боб. Қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олишга рухсат бериладиган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар

4. Қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олишга рухсат бериладиган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензия (кейинги ўринларда лицензия деб аталади) унинг эгасига белгиланган худудда қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш ҳуқуқини беради, бунда қимматбаҳо ва нодир металлар, қимматбаҳо тошларни қазиб олиш ҳуқуқига алоҳида лицензия олиш талаб қилинмайди.

5. Қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олишга рухсат бериладиган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензия Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар йили тасдиқланган қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олишга рухсат бериладиган ер қаъри участкалари (кейинги ўринларда ер қаъри участкалари деб аталади) бўйича уларни қазиб олиш учун берилади.

Қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш учун ишончли, аниқ контурлари ва чегаралари кўрсатилган ер қаъри участкалари, шу жумладан, ўлчамлари 1 гектардан ортиқ бўлмаган сочма олтин конлари берилади.

6. Қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш учун лицензияларга Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган жисмоний шахслар ва Ўзбекистон Республикаси худудида давлат рўйхатидан ўтган юридик шахслар талабгор бўлишлари мумкин.

7. Лицензияни ёки ер қаъри участкасидан (тўлиқ ёки қисман) фойдаланиш ҳуқуқини учинчи шахсга бериш (топшириш), шунингдек, битта ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқига лицензияни бир неча шахсга беришга йўл қўйилмайди.

3-боб. Қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олишга рухсат бериладиган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартлари

8. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш лицензияда назарда тутилган шартларга мувофиқ амалга оширилади.

9. Ер қаъри участкаларидан фойдаланишнинг асосий шартларига «Ер ости бойликлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Конунининг [33, 35, 37, 40](#) ва [43-моддалари](#) билан белгиланган шартлар киради.

Ер қаъри участкаларидан фойдаланишнинг намунавий шартлари Давлат геология кўмитасининг расмий веб-сайтида жойлаштирилади ва зарурат бўлганда белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши мумкин.

10. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартларида:

қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олишнинг рухсат этилган усуллари ва воситалари, шунингдек, фойдаланилайдиган асбоб-ускуналар, механизmlар ва техникага қўйиладиган талаблар;

қазиб олинган қимматбаҳо металларга эгалик қилиш ҳуқуқи;

ер қаъри участкаларидан фойдаланишнинг чекланиши, тўхтатиб қўйилиши ёки муддатидан олдин тўхтатилиши мумкин бўлган шартлар;

ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тугатилгандан сўнг ер қаъридан фойдаланувчилар зиммасига ер қаъри участкаларини рекультивация қилиш ва уларни кейинчалик фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш мажбурияти назарда тутилади.

4-боб. Қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олишга рухсат бериладиган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш муддатлари

11. Лицензиялар Давлат геология қўмитаси томонидан «E-IJRO AUKSION» электрон савдо майдончасидаги аукцион якунлари бўйича 3 йил муддатга берилади.

Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи лицензия берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

12. Лицензия муддати тугагандан сўнг уч ойдан ошмаган муддатда ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан ер қаъри участкалари белгиланган тартибда рекультивация қилиниб, улар кейинчалик фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтирилган ҳолда тегишли туман (шахар) ҳокимлигига топширилади.

5-боб. Қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олишга рухсат бериладиган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини реализация қилиш учун аукционга қўйиш тартиби

13. Давлат геология қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ер қаъри участкалари рўйхати тасдиқлангандан сўнг 5 кун мобайнида аукционда реализация қилиш учун ер қаъри участкаси бўйича тегишли маълумотлар тайёрланишини таъминлайди.

14. Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини аукционга қўйиш тўғрисидаги қарор ушбу бандда келтирилган тегишли маълумотлар тайёрлангандан сўнг 1 кун мобайнида Давлат геология қўмитаси томонидан қабул килинади ва унда қўйидагилар кўрсатилади:

ер қаъри участкасининг номи (ёки рақами) ва жойлашган жойи (географик координатали нуқталари билан Google харита дастурида геолокация);

ер қаъри участкасининг белгиланган мақсади;

ер қаъри участкаси жойлашган жойнинг фотосурати (15x20 см);

ер қаъри участкасининг майдони (гектарда);

ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини савдога қўйишнинг бошланғич нархи;

ер қаъри участкасидан фойдаланишни амалга ошириш муддати;

ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартлари.

15. Давлат геология қўмитаси ушбу Низомнинг **14-бандида** келтирилган тегишли маълумотлар тайёрлангандан сўнг 1 кун мобайнида операторга ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича аукцион ташкил қилиш ҳақидаги электрон буюртмани (кейинги ўринларда буюртма деб аталади) ушбу Низомнинг **2-иловасига** мувофиқ шаклда тақдим қиласди.

Буюртма операторга йил давомида ҳар ҳафтада бериб борилади. Бунда бир марта 20 тагача ер қаъри участкалари берилиши мумкин.

16. Ушбу Низомнинг **14-бандида** кўрсатилган ҳужжатлар тўплами Давлат геология қўмитаси томонидан тўлиқ бўлмаган ҳолда тақдим этилса, ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича аукцион ташкил қилиш ҳақидаги электрон буюртмани қабул қиласиради.

Ушбу ҳолатда оператор буюртмани олгандан сўнг кейинги иш кунидан кечиктирмасдан буюртмани бартараф этилиши лозим бўлган камчиликларни кўрсатган ҳолда Давлат геология қўмитасига қайтаради.

Давлат геология қўмитаси оператор томонидан қайд этилган барча камчиликларни 3 кун мобайнида бартараф этиб, буюртмани ушбу Низомнинг **14-банди** талабларига мувофиқ такроран операторга юборади.

17. Оператор белгиланган талабларга жавоб берадиган буюртма ва унга илова қилинган хужжатларни олган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай аукционни ўтказиш ҳақидаги хабарномани ўзининг веб-порталига жойлаштиради.

18. Давлат геология қўмитаси юридик ва жисмоний шахсларни аукционда иштирок этишга кенг жалб қилишга доир чораларни кўради, шу жумладан, олинган хужжатлар ва ахборотни аукционда иштирок этиш учун буюртма жойлаштириладиган Операторнинг веб-портал манзилига таянган ҳолда ўз расмий веб-сайтида жойлаштиради.

6-боб. Аукционни ташкил қилиш ва ўтказиш

1-§. Аукционни ташкил қилиш ва ўтказишнинг умумий шартлари

19. Ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуки Давлат геология қўмитаси томонидан берилган буюртмалар бўйича оператор томонидан аукционга қўйилади.

Ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуки аукционга ушбу Низомга мувофиқ ҳар бир ер қаъри участкаси бўйича алоҳида қўйилади.

Оператор томонидан оператор ва Давлат геология қўмитаси ўртасида тузилган шартномага мувофиқ аукционни ташкил этиш хизматлари кўрсатилади.

20. Ер қаъридан фойдаланиш ҳуқукини реализация қилиш бўйича савдолар аукцион шаклида фақат савдо майдонида ўтказилади ва унда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган жисмоний шахслар ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат рўйхатидан ўтган юридик шахслар иштирок этишга ҳақли.

Аукцион Интернет тармоғи орқали иштирок этиш имконини берадиган ва аризаларни қабул қилиш ҳамда ғолибларни аниқлаш жараёнларига аралашиш имкониятларини истисно қилувчи маҳсус дастурий маҳсулотдан фойдаланган ҳолда ўтказилади.

21. Аукционни ўтказиш тўғрисидаги хабар ва лот ҳақидаги ахборот аукцион бошланишидан аввал 5 иш кунидан кечиктирмасдан операторнинг веб-порталида жойлаштирилади.

22. Аукционларда электрон рақамли имзо билан тасдиқланган электрон аризаларни тақдим этиш ва закалат пулини киритиш орқали иштирок этилади.

23. Аукцион нархларни ошириб бориш принципи бўйича ўтказилади.

24. Ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуки аукционга буюртмада кўрсатилган бошланғич нарх бўйича қўйилади.

Ушбу Низомда назарда тутилган ҳолатлар ва тартибда аукцион ўтказилмаган деб эътироф этилган тақдирда, ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуки такрорий аукционга бошланғич нархда қўйилади.

25. Аукционни ташкил этиш бўйича хизматлар учун оператор шартномада белгиланган, бироқ аукцион обьекти реализация қилинган сумманинг бир фоизидан ошмаган микдорда ҳақ олади.

Аукцион савдолари ўтказилмаган деб топилган тақдирда, аукционни ташкил этиш бўйича хизматларга ҳақ тўланмайди.

2-§. Аукционни ўтказиш тўғрисидаги хабарномани жойлаштириш

26. Оператор Давлат геология қўмитаси буюртмаларига мувофиқ ўз веб-порталида аукцион ўтказилиши тўғрисидаги хабарномани жойлаштиради.

27. Хабарнома қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши зарур:

- а) аукцион ўтказиладиган сана, шу жумладан, унинг бошланиш ва тугаш вақти;
- б) лот рақами ва номланиши;

в) аукционда иштирок этиш учун аризаларни қабул қилишнинг охирги санаси ва вақти;

г) ер қаъри участкасидан фойдаланиш хуқуқини амалга ошириш жойи ва муддати;

д) ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартлари;

е) ер қаъри участкасидан фойдаланиш хуқуқини беришдан белгиланган мақсад;

ж) ер қаъри участкаси жойлашган жойнинг фотосурати (15x20 см);

з) аукцион объектининг бошланғич нархи;

и) ер қаъри участкасининг жойлашган жойи (географик координатали нүқталари билан Google харита дастурида геолокация);

к) закалат пулининг бошланғич нархдан фоиз кўринишида ва қатъий суммада ифодаланган микдори, закалат пули ўтказилиши лозим бўлган операторнинг банк реквизитлари;

л) Давлат геология қўмитасининг манзили ва телефон рақами.

28. Операторнинг веб-порталида юридик ва жисмоний шахсларга хабарнома ва лот бўйича батафсил маълумот, шунингдек, ушбу Низомнинг [14-бандида](#) кўрсатилган хужжатлар билан эркин танишиш имконияти таъминланади.

Операторнинг веб-порталида аукционни ўтказиш қоидалари билан танишиш имконияти яратилади.

Оператор тадбиркорлик субъектларини оммавий ахборот воситалари орқали, шунингдек, бошқа усулларда аукционларда иштирок этиш тартиби ҳақида мунтазам таништириб боради.

3-§. Аукционда иштирок этиш шартлари

29. Аукционда иштирок этиш учун аризалар хабарнома жойлаштирилган кундан бошлаб операторнинг веб-порталида автоматик тарзда қабул қилинади.

30. Юридик ва жисмоний шахслар хабарнома жойлаштирилган кундан бошлаб 4 кун мобайнида аукционда иштирок этишга электрон шаклда аризалар топширади ҳамда электрон аризада қайд этилган лот рақами ва номи бўйича электрон савдолар очилган куни 1 кун мобайнида аукционда қатнашади.

Аризани қабул қилиш аукционни ўтказиш кунидан икки кун олдин соат 13.00 да якунланади.

Аризаларни қабул қилиш учун белгиланган муддат ўтгандан кейин тушган аризалар қабул қилинмайди.

31. Иштирокчиларнинг аризаларини қабул қилиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

аризалар электрон кўринишда ушбу Низомнинг [3-иловасига](#) мувофиқ шаклда берилади;

ариза берувчи веб-сайтдан иштирокчи сифатида рўйхатдан ўтади ҳамда унга автоматик тарзда шахсий кабинет ва шахсий ҳисоб рақами очилади;

иштирокчи ўзи томонидан танланган лотнинг закалат пулидан кам бўлмаган микдорда шахсий ҳисоб рақамини тўлдиради ва ариза юборади. Закалат пули иштирокчининг шахсий ҳисоб рақамидан автоматик тарзда ечиб олинади;

агар иштирокчининг пул маблағи етарли бўлмаса, унинг аризаси қабул қилинмайди.

Аукцион иштирокчиси аризасини чакириб олиш имкониятига эга.

32. Аукционда иштирок этиш учун закалат ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи бошланғич нархининг 5 фоизи миқдорида белгиланади ва операторнинг банк ҳисоб рақамига ўтказилади.

Агар иштирокчининг пул маблағи етарли бўлмаса, унинг аризаси қабул қилинмайди.

33. Аукцион иштирокчиси ариза қабул қилишнинг охирги муддатидан кечиктирмасдан, ушбу Низомнинг **4-иловасига** мувофиқ билдиришномани операторга юбориш орқали аукционда иштирок этиш учун аризани ўзгартириш ёки чақириб олишга ҳақли.

Аукционда иштирок этиш учун ариза чақириб олинган ҳолларда оператор тўланган закалат пулини ариза чақириб олинган заҳоти автоматик тарзда аукцион иштирокчисининг ҳисоб рақамига қайтаради.

Аукцион иштирокчисига закалат пули қайтарилиганда банк ҳисоб рақами нотўғри кўрсатилганлиги ёки бошқа сабабларга кўра, тўлов операторнинг банк ҳисоб рақамига қайтиб тушган ҳолатда, оператор аукцион иштирокчисини бу ҳақда огоҳлантиради ва аниқ банк маълумотлари бериш талабини қўяди. Бу ҳолатда, олдиндан закалат пули аукцион иштирокчиси томонидан аниқ банк маълумотлари берилган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан қайтарилади.

34. Иштирокчилар аризалари автоматик тарзда текширилади.

Аукцион иштирокчиларига улар аукционда иштирок этишда фойдаланиш учун шахсий тартиб рақамлари берилади.

35. Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар белгиланган талабларга мувофиқ тўлдирилган ва юборилган, шунингдек, закалат пули шахсий ҳисоб рақамидан тўлиқ тушгандан кейин автоматик тарзда қабул қилинади.

36. Ариза ва унга илова қилинган ҳужжат белгиланган талабларга мувофиқ тўлдирилмаган ва жўнатилмаган, закалат пули операторнинг банк ҳисоб рақамига тўлдирилмаган ёки тўлиқ тўлдирилмаган ҳолларда автоматик тарзда аризаси рад қилинади ва бу ҳақда иштирокчининг электрон почтасига билдиришнома юборилади.

37. Аукцион иштирокчиси хабарномада кўрсатилган аризани қабул қилиш вақти якунлангунига қадар аукционда иштирок этишга аризани ундан камчиликларни бартараф қилган ҳолда такроран юборишга ҳақли.

38. Оператор аризалар ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг сақланишини, шунингдек, уларнинг сир тутилишини таъминлайди.

Аризаларни қабул қилиш даврида, шунингдек, аукционни ўтказиш давомида операторнинг веб-порталида аукцион иштирокчилари ҳақидаги маълумотларни (жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, яашаш манзили, юридик шахснинг номи ва почта манзили, солиқ тўловчининг идентификация рақами, иштирокчини аниқлаш имконини берадиган бошқа маълумотларни) акс эттиришга йўл қўйилмайди.

4-§. Аукционда иштирок этиш тартиби

39. Аукцион операторнинг веб-порталидаги хабарномада кўрсатилган кунда ва вақтда бошланади.

40. Аукцион унга қўйилган икки ва ундан ортиқ иштирокчи мавжуд бўлганда ўтказилади.

41. Тегишли лот бўйича аукцион бошлангач, веб- порталда аукцион бошлангани ҳақидаги маълумот автоматик тарзда янгиланади.

42. Аукцион иш куни мобайнода соат 9.00 дан соат 18.00 гача ўтказилади.

43. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини савдога қўйишнинг бошланғич нархи 7,5 млн сўмни ташкил қиласди.

44. Аукционнинг ҳар бир босқичи аукцион обьекти бошланғич нархининг 5 фоизи микдорида белгиланади.

45. Аукцион иштирокчиларига ихтиёрий равишда аукцион ставкасини мазкур Низомнинг **44-бандида** ўрнатилган аукцион босқичининг 2, 5, 10 ёки 20 баробари микдорида белгилаш имконияти берилади.

46. Аукцион унинг иштирокчиларидан лотни бошланғич нархдан битта босқичга оширилган нархда сотиб олиш бўйича таклифни тасдиқлашни сўрашдан бошланади.

47. Агар таклиф берилгандан кейин 10 дақиқа давомида аукцион иштирокчиларидан бири белгиланган босқичга оширилган лот нархини тасдиқласа, кейинги таклифни тасдиқлаш учун вақт яна 10 дақиқага узайтирилади.

48. Агар тасдиқланган охирги таклифдан сўнг 10 дақиқа давомида кейинги оширилган лот нархи бўйича таклиф аукцион иштирокчиларининг биронтаси томонидан тасдиқланмаса, аукцион унинг натижалари ҳақидаги баённомани автоматик тарзда шакллантирган ҳолда якунланади. Лот нархи бўйича таклифни охирги тасдиқлаган иштирокчи аукцион ғолиби деб топилади.

49. Агар лот нархини ошириш бўйича таклифни охирги тасдиқлаган аукцион иштирокчиси таклифини аукционни ўтказиш вақти якунланишига 10 дақиқадан кам қолганда амалга оширган бўлса, аукционни ўтказиш вақти охирги таклиф тасдиқланган пайтдан бошлаб кейинги 10 дақиқага узайтирилади. Кейинги ҳар бир таклиф аукционни ўтказиш вақтини 10 дақиқадан узайтириб боради. Бироқ, бунда аукционни ўтказиш вақти 3 соатдан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин ва аукцион соат 21.00 га қадар якунланиши лозим. Лот нархи бўйича охирги таклифни соат 21.00 га қадар билдирган иштирокчи аукцион ғолиби деб топилади.

50. Савдо майдончасида аукционни ўтказишга тўсқинлик қиласиган техник узилиш содир бўлган ҳолларда аукцион ўтказиш санаси ва вақти ҳақида аукцион иштирокчиларига хабар берилган ҳолда аукцион техник узилиш бартараф қилинган кундан кейинги кунда давом эттирилади.

51. Аукцион якунлангандан кейин веб-порталда аукцион якунлангани ва унинг натижалари ҳақидаги маълумот автоматик тарзда янгиланади.

Аукцион якунланганда операторнинг веб-порталида қўйидаги маълумотлар акс эттирилади:

лотнинг бошланғич нархи;

охирги ва охиргидан олдин тасдиқланган таклифлар (охирги ва охиргидан олдинги босқичларни ҳисобга олган ҳолда аукцион иштирокчилари томонидан тасдиқланган таклифлар бўйича шаклланган нархлар);

аукцион ғолибининг ҳамда охиргидан олдин таклифни тасдиқлаган аукцион иштирокчиси ҳақидаги тегишли маълумотлар.

52. Аукцион қўйидаги ҳолларда ўтказилмаган деб хисобланади:

унда иштирок этиш учун ариза тушмаган бўлса;

аукционда иштирок этиш учун бирорта ҳам иштирокчи қатнашмаган бўлса;

аукцион иштирокчилари томонидан бирорта ҳам таклиф тасдиқланмаса;

аукционда иштирок этиш учун фақат бир нафар иштирокчи қўйилган бўлса;

ушбу Низомда белгиланган тартибда аниқланган аукцион ғолиби ва охиридан олдинги таклифни тасдиқлаган иштирокчи томонидан аукцион объекти қийматининг 100 фоизи белгиланган муддатда тўлиқ тўланмаса.

53. Аукцион ўтказилмаган деб ҳисобланганда, операторнинг веб-порталида автоматик тарзда бу ҳақда унинг сабаблари, шунингдек, лотнинг бошланғич нархи кўрсатилган маълумот акс эттирилади.

54. Аукцион ўтказилмаган деб ҳисобланганда, ер қаъри участкасидан фойдаланиш хуқуки ушбу Низомнинг **26 — 51-бандларида** белгиланган тартибда ўтказиладиган аукционга автоматик тарзда тақроран кўйилади.

55. Тақроран аукционга кўйилганда:

ер участкасидан фойдаланиш хуқуки аукцион обьектининг бошланғич нархида кўйилади. Тақрорий аукционлар 2 маротаба ўтказилади;

тақрорий аукцион ўтказилмаган деб топилган тақдирда, оператор Давлат геология қўмитасини бу ҳақда электрон хат билан хабардор қиласи ҳамда аукцион обьектини аукцион савдосидан олади.

5-§. Аукцион натижалари бўйича ҳисоб-китоб қилиш ва аукцион натижалари тўғрисидаги баённомани расмийлаштириш тартиби

56. Аукцион ғолиби аукцион якунланган кундан бошлаб 3 кундан кечиктирмай аукционда сотилган ер қаъри участкаси обьектининг қийматини операторнинг ҳисоб рақамига тўлиқ тўлаб бериши лозим.

Аукцион ғолиби ер қаъри участкаси обьектининг ғолиблик тўловини шахсий ҳисоб рақамидан тасдиқлаш йўли билан амалга оширади.

Бунда ушбу аукцион обьекти бўйича аввал тўланган закалат пули аукцион обьектининг 100 фоиз қийматига қўшиб ҳисобланади.

Ғолиб томонидан аукцион обьектининг 100 фоиз қиймати тўлиқ тўлангандан сўнг оператор 1 кун давомида:

аукционни ташкил этиш бўйича хизматлар ҳақини ушлаб қолган ҳолда аукцион обьектини реализация қилишдан тушган маблағларни Давлат геология қўмитаси буюртмасида кўрсатилган даромад газна ҳисобварағига ўтказади;

махсус бланкада аукцион натижалари ҳақидаги баённомани расмийлаштиради, уни муҳр билан тасдиқлайди.

57. Аукцион натижалари ҳақидаги баённомада қўйидаги маълумотлар кўрсатилади:

а) ўтказилган аукцион санаси;

б) Давлат геология қўмитасининг ер участкаларидан фойдаланиш хуқуки аукционга қўйилиши бўйича берган буюртмаси;

в) лот рақами;

г) аукцион обьектининг бошланғич нархи;

д) аукцион обьектининг сотилган нархи;

е) аукцион ғолиби;

ж) аукцион обьекти, шу жумладан:

ер қаъри участкасининг номи (рақами), у жойлашган жойи;

ер қаъри участкасидан фойдаланишни амалга оширишнинг белгиланган мақсади;

ер қаъри участкасидан фойдаланиш муддати.

58. Оператор ўтказилган аукцион натижалари ҳақидаги баённомани у расмийлаштирилган куннинг ўзида аукцион ғолибининг шахсий кабинетига, Давлат геология қўмитасига тақдим этади ва ўз веб-порталига ахборотни киритади.

Оператор томонидан Давлат геология қўмитасига баённомага қўшимча рawiшда аукцион ғолиби тўғрисида маълумотлар (юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилган ҳужжат бўйича тўлиқ номи ва СТИР рақами, жисмоний шахснинг паспорти нусхаси ва СТИР рақами) тақдим этилади.

Баённома нусхаси Давлат геология қўмитаси томонидан «Е-ХАТ» электрон почтаси орқали ер қаъри участкаси жойлашган туман (шаҳар) ҳокимлигига жўнатилади.

59. Агар аукцион натижаларига кўра аукцион ғолиби З кун ичида ер қаъри участкасидан фойдаланиш хукукини сотиб олишдан бош тортса, оператор кейинги календарь кундан кечиктирмай охиргидан олдинги таклифни билдирган аукцион иштирокчисига электрон шаклда у аукцион давомида таклиф этган нархда ер қаъридан фойдаланиш хукукини сотиб олишини таклиф қиласди.

Агар охиргидан олдинги таклифни билдирган аукцион иштирокчиси З кун ичида ер қаъри участкасидан фойдаланиш хукукини сотиб олишга розилик билдирса, у аукцион ғолиби деб эътироф этилади ва унга ушбу Низомнинг **56** ва **57-бандларида** белгиланган тартибда аукцион натижалари ҳақидаги баённома расмийлаштирилади.

60. Аукцион натижалари ҳақидаги баённома қўйидагилар учун асос ҳисобланади:

Давлат геология қўмитасига — аукцион ғолибига тегишли лицензия расмийлаштириш учун;

тегишли туман (шаҳар) ҳокимлигига — аукцион ғолибига ер участкасини ажратиш ҳақидаги қарорни қабул қилиш учун.

61. Давлат геология қўмитаси ва тегишли туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан аукцион ғолибининг мурожаатига асосан 1 кун муддатда тегишли лицензия ва ер участкасини белгиланган чегараларга мувофиқ ажратиш ҳақидаги қарор берилади. Қарорга мувофиқ бериладиган ер участкаси аниқ географик координаталарга эга бўлиши керак.

Ер участкаларининг чегараларини жойида белгилаш ишлари Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда Давлат геология қўмитаси хузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекциясининг худудлардаги бўлинмалари томонидан бир вақтнинг ўзида ер қаъридан фойдаланувчи иштирокида амалга оширилади.

6-§. Закалат пулини қайтариш тартиби ва шартлари

62. Ушбу Низомнинг **63** ва **64-бандларида** кўрсатилган ҳолатлардан ташқари, аукцион якунланганидан ёки ўтказилмаган деб эътироф этилганидан сўнг закалат пули қўйидагиларга қайтарилиади:

охиргидан олдинги таклифни билдирган аукцион иштирокчисига — аукцион якунланган кундан бошлаб 12 иш куни мобайнида;

аукционда иштирок этишга қўйилган ягона иштирокчига — хабарномада кўрсатилган аукцион ўтказиш кунидан бошлаб 6 иш куни мобайнида;

бошқа иштирокчиларга — аукцион якунланган ёки ўтказилмаган деб эътироф этилганидан кундан бошлаб 3 иш куни мобайнида.

Бунда закалат пули аукцион иштирокчisinинг аризасига асосан айнан шу лот бўйича такорий аукционда катнашиш учун операторнинг банк ҳисоб рақамида қолдирилиши мумкин.

63. Ушбу Низомнинг **59** ва **60-бандларида** белгиланган тартибда аукцион ғолиби бўлган аукцион иштирокчисига закалат пули қайтаришмайди ва у аукцион объектининг сотилган қийматига қўшиб ҳисобланади.

64. Ушбу Низомнинг **56-бандида** белгиланган тартибда аукцион обьекти қийматининг 100 фоизини тўламаган аукцион иштирокчиларига закалат пули қайтаришмайди ва операторнинг тасарруфида қолади.

7-боб. Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини реализация қилишдан тушадиган маблағларни йўналтириш

65. Оператор томонидан ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини «E-IJRO AUKSION» электрон савдо майдончасида реализация қилишдан олинган пул маблағлари ва ушлаб қолинган закалат суммаси, аукционни ташкил қилиш хизматлари учун тўлов суммалари чегирилган ҳолда Давлат геология қўмитаси буюртмасида кўрсатилган даромад газна ҳисобварағига ўтказилади.

Даромад газна ҳисобварағига келиб тушган маблағлар Давлат геология қўмитасининг бюджетдан ташқари жамғармасига ҳамда ер қаъри участкаси жойлашган тегишли туман (шаҳар)лар маҳаллий бюджетлари ўртасида автоматик тарзда тенг улушларда тақсимланади.

8-боб. Қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензия бериш тартиби

66. Давлат геология қўмитаси томонидан аукцион натижалари бўйича баённома келиб тушгандан сўнг 1 кун муддатда ушбу Низомнинг **5-иловасида** келтирилган шаклда тегишли лицензия расмийлаштириб берилади.

Бунда аукцион ғолиби томонидан ушбу Низомнинг **8 — 10-бандларида** кўзда тутилган ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартлари имзоланади ва у лицензиянинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Лицензия Давлат геология қўмитасининг буюртмаси бўйича «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан босмахона усулида тайёrlанган маҳсус бланкаларда расмийлаштирилади.

67. Қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини амалга ошириш у давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин амалга оширилади. Ер қаъри участкаларидан фойдаланишни Давлат рўйхатига олиш Давлат геология қўмитаси томонидан лицензия бериш жараёнида амалга оширилади.

68. Қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини Давлат рўйхатига олиш реестрга тегишли қайдларни киритиш йўли билан амалга оширилади.

69. Ҳар бир реестрда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

ер қаъридан фойдаланувчи тўғрисидаги асосий маълумотлар (номи, юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, солик тўловчининг идентификация рақами, почта манзили, телефон ва факс рақамлари);

фойдаланишга берилган ер қаъри участкасининг номи (рақами);

ер қаъри участкасидан фойдаланиш мақсади;

лицензия берилган сана ва унинг рақами;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензияни қайта расмийлаштиришнинг асоси ва унинг санаси.

70. Реестрга киритилган маълумотлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлариға тегишли сўровнома асосида берилиши мумкин, уларни бошқа юридик ва жисмоний шахсларга бериш тақиқланади.

71. Лицензияни қайта расмийлаштириш қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:
юридик шахс қайта ташкил қилинганда ва номи ўзгарганда;
жисмоний шахснинг номи (Ф.И.Ш.) ўзгарганда.

Лицензияни қайта расмийлаштириш Давлат геология қўмитаси томонидан лицензия эгасининг тегишли тасдиқловчи хужжатлар илова қилинган аризаси асосида 1 кун муддатда амалга оширилади.

Лицензияни қайта расмийлаштиришда:

энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорида йифим ундирилади. Йифим Давлат геология қўмитасининг газна ҳисобварағига ўтказилади;

реестрга тегишли ўзgartиришлар киритилади, лицензия эса янги бланкада расмийлаштирилади, бунда олдин берилган лицензия Давлат геология қўмитасида сақланади ва унга «Ҳақиқий эмас» деган муҳр босилади.

72. Ер қаъридан фойдаланиш муддати тугагунга қадар камида 6 ой олдин фойдаланувчи томонидан Давлат геология қўмитасига йўлланган ариза бўйича ер қаъридан фойдаланувчи томонидан лицензияда белгиланган шартлар бажарилган тақдирда ва қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш бўйича қўшимча ишларни амалга ошириш зарур бўлган ҳолларда ер қаъридан фойдаланиш муддатлари бир марта 3 йилга узайтирилиши мумкин.

Ушбу ҳолатда, Давлат геология қўмитаси хузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси томонидан 1 ой муддатда лицензияда белгиланган шартларнинг бажарилиши ўрганилади ва Давлат геология қўмитасига тегишли хulosани киритади.

Хulosса ижобий бўлганда, Давлат геология қўмитаси томонидан 10 кун муддатда ер қаъридан фойдаланувчига ер қаъри участкаларидан фойдаланиш муддатини узайтириш учун тўлов суммасини жўнатади.

Ер қаъридан фойдаланувчи лицензияда кўрсатилган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш муддати тугашга 10 кун қолган муддатгача Давлат геология қўмитаси томонидан кўрсатилган даромад газна ҳисобварағига лицензияни узайтириш учун тўлов суммасини тўлайди.

Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш муддатини узайтириш учун тўлов охирги 1 йил ичида аукцион орқали реализация қилинган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хуқуки кийматларининг ўртacha арифметик миқдорига teng бўлиб, Давлат геология қўмитаси томонидан баённомалар таҳлили асосида ҳисоблаб чиқилади.

Давлат геология қўмитаси томонидан тўлов суммаси даромад газна ҳисобварағига келиб тушганда қўйидагича тақсимланади:

даромад газна ҳисобварағига келиб тушган маблағлар Давлат геология қўмитасининг бюджетдан ташқари жамғармасига ҳамда ер қаъри участкаси жойлашган тегишли туман (шаҳар)лар маҳаллий бюджетлари ўртасида автоматик тарзда teng улушларда тақсимланади.

Ер қаъридан фойдаланувчига лицензия янги 3 йиллик муддатга қайта расмийлаштириб берилади.

73. Қуйидаги ҳолларда ер қаъридан фойдаланиш муддатларини узайтириш рад этилиши мумкин:

қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш бўйича қўшимча ишларни амалга ошириш зарурияти бўлмаса;

ер қаъридан фойдаланувчи томонидан лицензияда белгиланган шартлар ўз вақтида ва тўлик бажарилмаган бўлса;

Давлат геология қўмитаси томонидан тақдим этилган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш муддатини узайтириш учун тўлов суммаси ўз вақтида тўланмаса.

Бошқа сабаблар билан ер қаъридан фойдаланиш муддатларини узайтиришни рад этилишига йўл қўйилмайди.

9-боб. Қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш қоидалари ва нормалари, рухсат этилган усуллари ва воситалари, фойдаланиладиган асбоб-ускуналар ва техникага қўйиладиган талаблар

74. Ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан лицензия берилган ер қаъри участкаларида қимматбаҳо металларни қазиб ишлари бошланишидан олдин маҳаллий ҳокимият органлари, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси ва Давлат геология қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекциясини ёзма равишда хабардор қилиниши шарт.

75. Лицензия билан берилган ер қаъри участкаларида қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олишда:

ер қаърини муҳофаза қилиш, табиатни муҳофаза қилиш, атроф мухитни муҳофаза қилиш, ёнгин хавфсизлиги бўйича қоидалар ва чора-тадбирларга амал қилиш зарур;

ер ости тоғ-кон қазилмалари йўлакларсиз ва портловчи моддалардан фойдаланмаган ҳолда хавфсиз (йўл қўйиладиган) чуқурликкача фаолиятни амалга ошириш мумкин;

туб жинслар участкаларида тоғ-кон лаҳмлари тик томонларини 2 (икки) метрдан кўп бўлмаган чуқурликада ўтишга йўл қўйилади;

агар тоғ-кон лаҳмларини зинасимон шаклида ўтаётган бўлса, бу ҳолатда умумий чуқурлиги 6 (олти) метргача рухсат этилади. Бунда ҳар бир зинанинг баландлиги 2 (икки) метрдан ошмаслиги ва зинанинг эни 0,5 (ярим) метрдан кам бўлмаслиги зарур;

сувли ҳудудларда, шу жумладан, дарё қирғозларида ва сойлар ўзанларида олтин қазиб олиш ҳудудида ковиш сифими (ҳажми) 2 кубгача бўлган экскаваторлар ёки унинг функциясини бажарадиган техникадан фойдаланиш мумкин.

Ҳисобот давридан кейинги йилнинг 15 февраляга қадар қимматбаҳо металлар бўйича қўйидагиларни тақдим қилишлари зарур:

Давлат геология қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш бўйича ҳудудий инспекцияларга қимматбаҳо металлар захираларининг ҳаракатланиш ишлари тўғрисида йиллик ҳисобот (сочма олтин конлари бўйича);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк ҳузуридаги қимматбаҳо металлар агентлигига қимматбаҳо металларни топширилган миқдори тўғрисида ҳисобот.

76. Ер қаъридан фойдаланувчилар қазиб олинган тоғ жинсларидан қимматбаҳо металларни ажратиб олишда факат майдалаш ва гравитация усулини қўллаш, шунингдек, кичик ювиш ускуналари ва насослардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

77. Лицензия билан берилган ер қаъри участкаларида қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олишда ва ажратиб олишда қўйидагилар тақиқланади:

ушбу Низомнинг 74 ва 75-бандларида кўзда тутилмаган усуллар, шу жумладан, ер ости тоғ-кон йўлакларини қазиб, портлатиш ишларини олиб бориш;

қазиб олинган төг жинсларини ажратилған ер участкаси ҳудудидан олиб чиқиб кетиш ёки сотищ;

кимёвий реагентлар құлланилған ҳолда қимматбаҳо металларни ажратиб олиш технологиясидан фойдаланиш;

ажратилған ер участкаси ҳудудида капитал қурилиш ишларини амалга ошириш;

ер қаъри участкасидан фойдаланишда амалдаги қоидалар ва норматив ҳужжатлар талабларини бузиш.

10-боб. Олтин изловчилар усулида қазиб олинган қимматбаҳо металлар нархини белгилаш, уларни харид қилиш, ҳисобини юритиши, сақлаш ва реализация қилиш тартиби

1-§. Қимматбаҳо металларни сотиб олуви қабул кассалари

78. Ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан белгиланған тартибда ажратиб олинган қимматбаҳо металлар қабул кассаларига, шунингдек, заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш учун лицензияга эга бўлган юридик шахсларга ва якка тадбиркорларга келишилған нархларда реализация қилинади.

79. Қабул кассаси олтинни қайта ишлаш корхоналари билан шартнома асосида ер қаъридан фойдаланувчилардан таркибида олтин бўлган хомашёни (шлих, концентрат) қабул қилувчи пункт ҳисобланади.

80. Қабул кассалари ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан республика ҳудудида қазиб олинган таркибида қимматбаҳо металлар бўлган хомашёни қабул қилиш, сақланишини таъминлаш ва қайта ишлашга жўнатиш мақсадида тузилади.

81. Қабул кассалари қимматбаҳо металларни қазиб олиш ва улар билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш ҳукуқини берувчи лицензияга эга ташкилотлар томонидан тузилиши мумкин.

Қабул кассалари заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш учун лицензияга эга бўлган юридик шахслар томонидан ҳам очилиши мумкин.

82. Қабул кассалари таркибида қимматбаҳо металлар бўлган хомашёларни қайта ишлаш ва аффинажга юборишга мажбур.

83. Ер қаъридан фойдаланувчилар қазиб қўлга киритган қимматбаҳо металлар аралашмасининг барчасини, жумладан, соф ҳолда топилганларини ҳам қабул кассаларига топширишга мажбур.

84. Қабул кассалари ер қаъридан фойдаланувчидан таркибида қимматбаҳо металл бўлган хомашёларни қабул далолатномасини расмийлаштирган ҳолда воситачилик асосида қабул қиласди.

2-§. Қабул кассаларидан қимматбаҳо металларни сақлашни таъминлаш

85. Қимматбаҳо металлар ва уларнинг концентратларини сақлаш жойларида ўрнатилған сейфларда, яъни маҳсус жиҳозланған қабул кассаларидан, мустаҳкам деворли, бетон полли, деразасиз, металлдан ясалган ёки темир билан қопланған маҳсус ички қулфли эшикли хоналарда амалга оширилиши керак.

86. Қабул кассаларига кириш эшиги маҳсус қулф билан жиҳозланған ҳамда сақлаш жойларининг эшиклидаги илгакларни ва муҳрларнинг ҳолатини қўздан кечириш имкони бўлган кўриш дарчасига эга бўлиши керак. Қабул кассаларининг эшигига киришгача ва ундан кейин пўлат симдан тайёрланған панжарали эшиклар ўрнатилади.

87. Қабул кассаларидан иш столи, тушган ва жўнатиладиган металлни ўлчаш учун тарози, металл идиши ва асбобларни, бошқа ускуналарни сақлаш шкафлари ўрнатилади.

88. Қабул кассалари телефон алоқаси, камида икки погонали қўриқлов ва ёнғин-қўриқлаш сигнализациялари ҳамда туну-кун қуролланган қўриқлов пости билан таъминланади.

89. Қабул кассаларининг деразалари металл панжаралардан иборат бўлиши керак. Қабул кассаларининг хонаси ҳамда унинг пости симсиз, ишончли ишлайдиган, бинодан ташқарига, масъул шахсларнинг доимий туну кун навбатчилик жойларига чиқарилган сигнализация билан таъминланади, масалан: милиция бўлими, идоравий ҳарбий қўриқловнинг соқчи жойи, муассаса коммутатори.

90. Алоҳида ҳолларда қимматбаҳо металларни (концентратларни) сақлаш учун сейф ўрнига ички маҳсус қулфлар билан жиҳозланган металл шкафларнинг ишлатилишига вақтинча йўл қўйилади.

91. Иш куни тамом бўлгандан сўнг сейфлар, қимматбаҳо металларни сақлаш жойи ҳамда қабул кассалари ёпилади, муҳрланади ва қўриқлаш учун топширилади. Хоналарни қабул қилиш ва топшириш, режимли хоналарни қўриқлаш учун қабул қилиш ва топшириш журналида расмийлаштирилади.

92. Қабул кассасига кириш учун рухсат фақат чегаралangan доирадаги, рўйхати муассаса раҳбари ёки унинг режим ва қўриқлаш бўйича ўринбосари томонидан аниқланувчи шахсларга берилади. Қабул кассаси хоналарига кириш учун рухсат берилган шахсларнинг рўйхати ушбу обьектнинг туну кун ишлайдиган қуролланган қўриқлаш постида бўлиши керак.

93. Таркибида қимматбаҳо металл бўлган хомашёни қабул кассаларига етказиш ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан амалга оширилади.

3-§. Қимматбаҳо металларни нархлаш, ҳисоблаш ва сотиб олиш тартиби

94. Қимматбаҳо металларнинг хомашёдаги нархи шартнома асосида ер қаъридан фойдаланувчилар ва қабул кассалари томонидан хомашёни қабул кассасига топшириш пайтида белгиланади.

Бунда, таркибида қимматбаҳо металлар бўлган қайта ишланган масса, таҳлил натижаларига кўра қимматбаҳо металлни тайёр кўринишгача ажратиб олишни ҳисобга олган ҳолда оғирлик ҳисоб-китоби тузилади.

95. Таркибида қимматбаҳо металлар бўлган хомашё нархини ҳисоблашда қуйидаги формула қўлланади:

Хомашё нархи = қимматбаҳо металларнинг миқдори x ажратиб олиш коэффициенти x қимматбаҳо металларнинг халқаро бозорлардаги нархи — қайта ишлаш харажатлари:

Бунда, қимматбаҳо металлар миқдори — оғирлик ҳисоб-китобига кўра;

ажратиб олиш коэффициенти — хомашёга кўра қайта ишлаш корхоналарида тасдиқланган металларни ажратиб олиш меъёrlарига мувофиқ аниқланади;

қимматбаҳо металларнинг халқаро бозорлардаги нархи — қимматбаҳо металларнинг Лондон биржасидаги нархлардан келиб чиқиб (АҚШ долларида, эрталабки ўрнатилган фиксингда), металлни реализация қилиш (топшириш) санаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий маълумотларига кўра чет эл валютаси курси билан сўмга қайта ҳисобланган нархда аниқланади;

қайта ишлаш харажатлари (1 граммга) — зарур бўлган фойдани ҳисобга олган ҳолда қайта ишлашга кетадиган харажатлардан келиб чиқиб қабул килинади.

Ҳар бир қабул кассасида ушбу формула ва ҳисоб-китобларнинг намуналари ҳақидаги маълумотлар жойлаштирилиши шарт.

96. Таркибида қимматбаҳо металлар бўлган хомашё топширилгандан сўнг қабул кассасининг ер қаъридан фойдаланувчи билан ҳисоб-китоби шартнома асосида 10 кундан ошмаган муддатда қабул кассасининг белгиланган ички тартибига мувофиқ амалга оширилади.

4-§. Қимматбаҳо металларни қабул қилиш тартиби ва мажбуриятлар

97. Қабул кассаларига тушадиган таркибида қимматбаҳо металлар бўлган хомашё уни топширувчи ер қаъридан фойдаланувчининг иштироқида ўлчаб олинади. Топшириш ва қабул қилиш маҳсус журналда топширувчи ҳамда қабул қилувчининг имзолари асосида расмийлаштирилади.

Бунда, топшириш ва қабул қилиш маҳсус журналининг вараклари рақамланган, тикилган ва муҳрланган бўлиши шарт.

98. Ер қаъридан фойдаланувчилардан қабул кассаларига тушувчи таркибида қимматбаҳо металлар бўлган хомашёлар ҳисоби раҳбарнинг буйруғи асосида муайян ижроичига юклатилади (жавобгарликни юклаш ҳамда мулкка жавобгар шахснинг тегишли мажбуриятини расмийлаштириш билан).

99. Намуналарни синаш ва кимёвий таҳлилга тайёрлаш қайта ишловчи корхоналарнинг амалдаги стандартлари, йўриқномалари ҳамда синаш усуllibарига мувофиқ техник назорат хизмати орқали амалга оширилади.

100. Намунани кимёвий лабораторияга етказиш техник назорат хизмати назоратчиси томонидан ҳарбий қўриқчи ҳамроҳлигига амалга оширилади.

101. Марказий таҳлил лабораторияси тасдиқланган усулага асосан барча турдаги хомашё таркибидаги қимматбаҳо металларни аниқлаш бўйича таҳлил ўтказади.

102. Таркибида олтин бўлган хомашёни синашда уч хил намуна шаклланади: бири — қайта ишлаш корхоналар таҳлили учун; иккинчиси — ер қаъридан фойдаланувчилар учун; учинчиси эса — арбитраж учун.

103. Қабул кассасининг моддий жавобгар шахси таркибида қимматбаҳо металлар бўлган хомашёларни келгуси қайта ишлаш ва қимматбаҳо металларни ажратиб олишга юборгунга қадар барча чора-тадбирларни кўради.

104. Қабул кассалари таркибида қимматбаҳо металлар бўлган хомашёларни қабул қилиш, сарф қилиш ҳамда уларнинг қолдиқлари бўйича қатъий ҳисоб олиб бориш ва белгиланган муддатда инвентаризация ўтказишга мажбур.

105. Заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш учун лицензияга эга бўлган юридик шахслар томонидан тузилган қабул кассаларида қимматбаҳо металларни сақлаш ва қабул қилиш тартиби ва мажбуриятлари ушбу юридик шахс томонидан ишлаб чиқилади.

Шу билан бирга, қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш учун лицензияга эга бўлган юридик шахслар томонидан сайёр қабул кассалари ташкил этишга рухсат берилади.

106. Ушбу Низомнинг [85 — 92, 95, 100](#) — [104-бандларидағи](#) қимматбаҳо металларни сақлаш, қабул қилиш тартиби ва мажбуриятлар қабул кассаларини ташкил этган ташкилотларда давлат улуши бўлган субъектларга нисбатан мажбурий ҳисобланади ва заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш учун лицензияга эга бўлган давлат улушига эга бўлмаган юридик шахсларга ихтиёрий равишда амал қилиш тавсия этилади.

11-боб. Қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш,

тўхтатиб туриш ва бекор қилиш шунингдек, ер қаъридан фойдаланувчиларнинг қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун жавобгарлиги

107. Ер қаъри участкасидан фойдаланиш хукуки «Ер ости бойликлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Конунининг [34-моддасида](#) назарда тутилган ҳолларда чекланиши, тўхтатиб қўйилиши ёки муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

108. Ер қаъри участкасидан фойдаланиш хукукини чеклаш, тўхтатиб қўйиш ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш юзасидан давлат назорат органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

109. Ер қаъри участкасидан фойдаланиш хукукини муддатидан олдин бекор қилиш Давлат геология қўмитаси томонидан, шу жумладан, бошқа давлат назорати органларининг тақдимномалари асосида амалга оширилади.

110. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукукининг чекланиши юзага келган хавф-хатар ёки ер қаъридан фойдаланишда йўл қўйилган талаблар ва шартлар, ишларни олиб бориш меъёрлари ва қоидалари бартараф этилишигача ишларнинг чекланишига олиб келади. Бунда чекланиш муддати 3 ойдан ошмаслиги шарт.

111. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукукининг тўхтатилиши ер қаъри участкаларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган барча турдаги ишлар тўхтатиб қўйилиши сабаблари бартараф этилгунига қадар амалга оширилиши тақиқланишига, бироқ 3 ойдан ошмайдиган муддатга тақиқланишига олиб келади, ускуналарни одамлар ва атроф мухит учун хавфсиз сақлаб туришга оид ишлар бундан мустасно.

112. Қимматбаҳо металларни яшириш, шу жумладан, уни 6 ой ичида реализация қилмаслик, шунингдек, қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш чоғида ишларни бехатар олиб бориш талабларининг бузилиши оқибатида инсонларнинг оғир тан жароҳати олиши ёки ўлимига олиб келиши ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукукини муддатидан олдин бекор қилиш ва мазкур фаолият билан шуғулланишини 1 йил давомида чеклаш учун асос бўлади.

113. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукуки:

ер қаъридан фойдаланувчи 1 йил ичида ер қаъри участкасидан фойдаланишини бошламаган;

ер қаъридан фойдаланувчи томонидан ер қаъри участкасидан фойдаланишининг асосий шартлари бузилган;

ер қаъри участкаларидан фойдаланиш билан боғлиқ ишларнинг таъсир зонасида ахоли ҳаёти ва соғлиғига, атроф мухитга хавф-хатарнинг мавжуд бўлиши;

Ўзбекистон Республикаси «Ер ости бойликлари тўғрисида» Конунининг [33](#), [35](#), [37](#) ва [40-моддаларида](#) назарда тутилган қоидаларга риоя қилинмаслиги;

агар йўл қўйилган қоидабузарликлар тизимли тавсифга эга бўлса ёки ушбу ер қаъри участкасидан фойдаланиш хукукига илгари чеклов ва (ёки) тўхтатиб туриш қўлланган ҳолатларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

Ер қаъри участкасидан фойдаланиш хукукини муддатдан олдин бекор қилиш тўғрисидаги қарор давлат назорат органларидан ёзма хабар олинган кундан эътиборан Давлат геология қўмитаси томонидан 3 кун муддатда қабул қилинади.

114. Ер қаъри участкасидан фойдаланиш хукуки тўхтатилганидан кейин фойдаланувчи ер қаъридан фойдаланиш чоғида бузилган ер участкаларини кейинчалик

уларни фойдаланишга яроқли ҳолга келтириш ишларини (қайта тиклаш) бажаришга киришиши шарт.

12-боб. Ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан ер участкасини рекультивация қилиш (қайта тиклаш) ва уларни маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг захира фондига қайтариш тартиби

115. Ер қаъри участкасидан фойдаланиш хуқуқи тугатилгандан сўнг ер қаъридан фойдаланувчилар ўз ҳисобларидан тегишли ер участкаларини рекультивация қилиш (қайта тиклаш) йўли билан кейинчалик фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтиришга мажбур.

116. Ер участкаларини рекультивация қилиш (қайта тиклаш) лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси тизимидағи «Ўздаверлойиҳа» институти ва унинг худудий бўлинмалари томонидан 15 кун ичида амалга оширилади.

117. Бузилган ерларни рекультивация қилиш (қайта тиклаш) лойиҳаларида қуидагилар назарда тутилади:

тупроқнинг ҳосилдор қатламишининг кесиб олиниши ва маҳсус жойга жойлаштирилиши (сақланиши);

тошлоқ ва заҳарли жинсларни потенциал ҳосилдор тупроқлардан ажратиш мақсадида ер қаъри юзини очишдаги қатлам жинсларининг селектив ишланиши;

заҳарли жинслар қўмилишини таъминлайдиган ағдарилган тупроқ қатламларини шакллантириш;

ўпирилган жойларни тўлдириш;

ер қаъри участкасидан фойдаланиш тугаган майдонларнинг нишабликда текисланиши;

тупроқ қатламишининг текисланган юзаси қирқиши чукурлигига teng ёки потенциал ҳосилдорлик даражасидан кам бўлмаган микдорда ётқизилиши;

қияликлар (ён бағирлар)ни мустаҳкамлаш бўйича маҳсус тадбирларни амалга ошириши;

рекультивация қилиш (қайта тиклаш)ни амалга ошириш жараёнида ва у якунлангандан сўнг ишчилар ва аҳоли хавфсизлигини таъминлаш чоралари.

118. Бузилган ерларни рекультивация қилиш (қайта тиклаш) лойиҳаларининг амалга оширилиши юзасидан лойиҳачи томонидан муаллифлик назорати олиб борилади.

Ер участкаларини рекультивация қилиш (қайта тиклаш) ишлари тегишли лойиҳалар билан кўзда тутилган муддатларда бажарилади. Бунда ер участкаларини рекультивация қилиш (қайта тиклаш) ишларининг муддати 3 ойдан ошмаслиги шарт.

Ердан фойдаланган юридик ёки жисмоний шахслар ҳисобидан бузилган ерларда рекультивация қилиш (қайта тиклаш) лойиҳалари асосида ишлар амалга оширилгандан сўнг ваколатли органларнинг тегишли тартибдаги қарорларига асосан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг захира ер фондига қайтарилади.

13-боб. Якунловчи қоида

119. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбордor бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида **НИЗОМГА**

1-ИЛОВА

Қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш учун берилаётган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хуқуқи электрон онлайн-аукцион орқали бериш

СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар
1-боскіч (тайёргарлық босқич)	Вазирлар Маңқамаси	Қимматбаҳо металларни олтін изловчилар усули, бериладиган ер қаъри участкалари рўйхатини тасд
	Давлат геология қўмитаси	Ер қаъридан фойдаланиш хукукини аукционда учун буюртмаларни «Электрон онлайн-аукцион маркази» давлат унитар корхонасига (операторга)
2-боскіч (аукцион ўтказиш ва лицензия беріши)	Оператор	Аукцион ўтказилиш тўғрисидаги хабарномани жойлаштиради.
	Юридик ва жисмоний шахслар	Аукционда иштирок этиш учун электрон шаклда унда лот рақами ва ер қаъри участкаси номини кўр
	Оператор	Лот бўйича электрон аукцион савдолари ўтказилади.
	Аукцион голиби	Аукционда голиб бўлиш учун таклиф этилган тўлайди.
	Оператор	Ўтказилган аукцион натижалари хакида расмийлаштиради, аукцион голибининг шахсий кампания геология қўмитасига тақдим этади.
	Давлат геология қўмитаси	Оператор томонидан тақдим этилган баённома лицензияни расмийлаштириб беради.

Қимматбаҳо металларни олтін изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш
тартиби тўғрисида **низомга**
2-ИЛОВА

**Ер қаъри участкасидан фойдаланиш хукукини реализация қилиш бўйича электрон онлайн-аукцион ташкил
қилиш хақида**
ЭЛЕКТРОН БЮОРТМА

20 ____ йил «____ «____ да ____ Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ва «Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази» ДУК ўртасида тузилган ____-сон шартномага мувофиқ, Давлат геология қўмитаси қўйидаги ер қаъри участкасидан фойдаланиш хукукини электрон аукционда реализация қилиш учун ушбу буюртмани тақдим этади:

1. Ер қаъри участкасининг номи (рақами) ва жойлашган жойи (географик координатали нукталари билан Google харита дастурида геолокацияси билан) _____;

2. Ер қаъри участкасидан фойдаланишдан мақсад _____;

3. Ер қаъри участкасининг майдони (гектарда) _____;

4. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукукини савдога кўйишнинг бошланғич нархи (сўмда) _____;

5. Ер қаъри участкасидан фойдаланиш хукуки муддати _____;

6. Ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартлари _____;

7. Ер қаъри участкасидан фойдаланиш хукукини реализация қилишдан тушган маблағлар ўтказилиши мумкин бўлган банк реквизитлари:

Банк номи _____;

Банк МФО _____;

Банк хисоб рақами _____;

8. Давлат геология қўмитасининг манзили ва боғланиш учун маълумотлари (телефон рақами, электрон почта манзили ва бошқалар), лицензия олиш жойи ва қабул вақтлари тўғрисидаги маълумот.

Ер қаъри участкаси жойлашган жойнинг фотосурати (15x20 см) илова қилинади.

Буюртма 20 ____ йил «____» _____ да тақдим этилди.

Давлат геология қўмитаси раиси _____

(Ф.И.Ш.)

ЭРИ

Қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш
тартиби тўғрисида **НИЗОМГА**
З-ИЛОВА

Электрон онлайн-аукционда иштирок этиш учун
ЭЛЕКТРОН АРИЗА

(юридик ёки жисмоний шахснинг тўлиқ номи, почта манзили, банк реквизитлари)
(кейинги ўринларда иштирокчи деб аталади) ер қаъри участкасидан фойдаланиш хукукини реализация қилиш тўғрисида электрон аукцион ўтказилиши хақидаги хабарнома билан танишдим:

Лот раками: № _____

Лот номи:

хужжат бўйича электрон аукционда иштирок этиш учун закалат пулини тўлаб,

(тўлов хужжатининг реквизитлари)

ер қаъридан фойдаланиш хукукини реализация қилиш бўйича электрон аукцион ўтказиш қоидалари (кейинги ўринларда қоидалар деб аталади) билан танишдим, 20 ____ йил «____» _____ соат _____ да веб-порталда ўтказиладиган электрон аукционда иштирок этиш учун ушбу аризани қабул қилишингизни сўрайман.

Иштирокчи электрон аукционда иштирок этиш учун ушбу аризани тақдим этиб, электрон аукционни ўтказиш бўйича қоидаларда белгиланган шартларга розилик беради.

Иштирокчи унинг маълумотлари нотўғри бўлган тақдирда, аукцион натижалари ҳақиқий эмас деб эътироф этилиши ва закалат пули қайтариб берилмаслиги ҳақида огохлантирилди.

Иштирокчи электрон аукционга ер қаъри участкасидан фойдаланиш хукуки Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган ер қаъри участкалари рўйхати асосида реализация килинаётгани тўғрисида хабардор килинди ва иштирокчи аукцион ғолиби деб топилганда унга юкландиган талаб ҳамда мажбуриятларга риоя этишни зиммасига олади.

Иштирокчи «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдони операторидан ҳар қандай билдиришномани иштирокчининг қуидаги электрон почта манзилида олишини расман тасдиқлайди _____.

(электрон почта манзили)

Иштирокчи «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдони оператори ушбу электрон почта манзилига юборган билдиришномалар жўнатилган вақтда расман олинган деб хисобланишини ва «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдони иштирокчиси ушбу билдиришномаларни ўз вақтида ўқимагани учун жавоб бермаслигини тасдиқлайди.

Закалат пулини қайтариш учун иштирокчининг банк реквизитлари:

Банк номи _____;

Банк МФО _____;

Банкнинг ҳисоб рақами _____;

Иштирокчининг СТИРи: _____

Илова: иштирокчи электрон аукцион ўтказиш ҳақидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пулини ўтказганини тасдиқловчи тўлов ҳужжатининг ва жисмоний шахс паспортининг электрон (сканер қилинган) нусхалари.

Тўлдирилган сана: 20____ йил «___» _____

Иштирокчининг электрон рақамли имзоси (ЭРИ)

Қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш

тартиби тўғрисида низомга

4-ИЛОВА

**Электрон онлайн-аукционда иштирок этиш учун аризани ўзгартириш ёки чакириб олиш тўғрисида
БИЛДИРИШНОМА**

Ушбу_____

(юридик тўлиқ номи ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми, шарифи, почта манзили)

_____ га (электрон аукцион ўтказиладиган сана) белгиланган _____-сон лот бўйича
электрон аукционда иштирок этиш учун ўз аризасини ўзгартиради ёки чакириб олади.

Ушбу билдиришнома орқали ўзгартиришлар аризанинг _____

(аризанинг ўзгартирилдиган қисмлари ва ўзгараётган маълумотлар)

қисмларига тааллукли.

Сана_____

Иштирокчининг электрон рақамли имзоси (ЭРИ)

Қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш

тартиби тўғрисида низомга

5-ИЛОВА



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

DAVLAT GEOLOGIYA VA MINERAL RESURSLARI

Qimmatbaho metallarni oltin izlovchilar usulida qazib olishda yer qa'ri

LITSENZIYA

SERIYASI

Litsenziya_____

berildi.

(ushbu litsenziyani olgan yuridik yoki jism)

Litsenziya qimmatbaho metallarni oltin izlovchilar usulida qazib olish faoliyatini amalgalash uchun yer qa'ri uchastkasidan foydalashtiriladi.

Yer qa'ri uchastkasining nomi (yoki raqami) _____

Yer qa'ri uchastkasi _____

da joylashgan.

(Qoraqalpog'iston Respublikasi yoki viloyat tumani, ah)

Litsenziya berish uchun asos _____

(tegishli hujjatning turi, nomi, tartib raqami va qab

Yer qa'ri uchastkasining maydoni _____

(gektarda, son va

Litsenziyaning amal qilish muddati _____

(kun, oy,

Quyidagilar litsenziyaning ajralmas qismi hisoblanadi:

Yer qa'ridan foydalanish shartlari _____

(ilovaning tartib raqamlari)

Yer qa'ri uchastkasining geografik koordinatali nuqtalari _____

Litsenziya berilgan sana _____ y. «____» _____

**O'zbekiston Respublikasi
Davlat geologiya va mineral
resurslar qo'mitasi Raisi**

M.O'. _____

(imzo)

(F.I.Sh.)

20 ____ y. «____» _____

(Litsenziya uning ajralmas tarkibiy qismi hisoblangan zarur ilovalar mavjud bo'lgan taqdirda haqiqiy hisoblanadi)